O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309-1

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 24-mart • Seshanba • 36 (27.997) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сиёсий партиянинг нуфузи, кучи бошланғич ташкилотга, бошланғич ташкилотнинг қандай бўлиши эса унинг етакчисига боғлиқ.

❖ ЎзХДП: Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар бошланди

ҚУЙИ БЎҒИННИ КУЧАЙТИРИШ

бугуннинг долзарб вазифаси

Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника ҳудуддаги олтмиш мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Жамоада 287 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Куни кеча мазкур тиббиёт муассасасидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг намунавий ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги туман партия кенгашлари раислари ҳам иштирок этди.

— Бошланғич ташкилотимиз сафида 65 нафар аъзо бирлашган, — деди поликлиника бош врачи, ЎзХДП фаоли Кимё Шокирова. — Туман партия кенгаши билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказамиз. Жамоамизда партиянинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кун сайин ортиб бормоқда.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилоти раиси Шарофат Тожибоеванинг ҳисоботи тингланди.

— Ўтган 5 йил мобайнида бошланғич ташкилотимиз самарали фаолият олиб борди, деб айтишга асос бор, — деди у. — Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида турли ташаббуслар билан чиқдик, муҳим саналар муносабати билан кўплаб тадбирлар, учрашувлар ўтказдик. Қолаверса, ўтган давр мобайнида партиямиз сафи 29 нафар ёш, фаол аъзолар билан кенгайди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Туман ҳудудидаги 31 нафар ёлғиз кекса, 43 нафар кам таъминланган оила, 10 нафар биринчи гуруҳ, 282 нафар иккинчи гуруҳ ногиронини тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиб, соғлиғини назорат қилиб, ҳолидан хабар олиб туриш йўлга қўйилган.

2-бет

❖ Фракция фаолияти

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ — ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ

— Ёнғин хавфсизлиги жамоат хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ, — деди лойиҳа юзасидан сўзга чиққан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Фурқат Ҳотамов. — Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, унга давлатнинг муҳим вазифаси сифатида ягона методологик асос солиш, ушбу фаолият билан шуғулланадиган идоралар тизимини белгилаш имконини яратади. Бу соҳадаги асосий масъулият Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига берилган.

Ҳужжат мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларни белгилайди, соҳада давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Йиғилишда таъкидландики, аввало, тилсиз ёв — ёнғиннинг олдини олиш аҳолини кутилмаган кўпгина бало-қазолар, табиий ва техноген омиллар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шунинг учун ушбу қонун лойиҳасини маъқуллаш мақсадга мувофиқ. Аммо у айрим камчиликлардан холи эмас. Шундан келиб чиқиб қонун лойиҳасини тайёрлашда қатнашган мутахассислар, уни қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига олиб чиқаётган қўмита аъзолари ва Ўзбекистон ХДП депутатлари ўртасида қизғин савол-жавоблар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Савол: — Лойиҳада тегишли давлат органлари, корхона, ташкилотларнинг махсус қисмлари мажбуриятлари аниқ кўрсатилмаган. Масалан, бир корхона ўзида ёнғин хавфсизлигига масъул бўлим ташкил этади, уни зарур техника билан таъминлайди, ходимларга маош тўлайди. Аммо бир фалокат юз бериб, ёнғин чиққудай бўлса, бунинг учун раҳбар жавобгар бўлади. Бу қанчалик даражада тўғри?

Жавоб: — Раҳбар кимнидир бу масалага масъул этиб тайинлаши уни умумий жавобгарликдан озод этмайди.

2-бет

Муносабат

ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

Президентимизнинг Наврўз табригини ўқиб, яқин тарихимизда юз берган, биз тенги авлод фақат китобларда ўқиган баъзи бир воқеалар ҳақида ўйладим.

Манбаларда қайд этилишича, собиқ тузум даврида кўплаб қадриятларимиз каби Наврўзимиз ҳам қатағонга учраган, қадимий айём йўқотилиб, ўрнига нималардир ўйлаб топилган экан. Юртимизда истиқлол насими эса бошлаган 1990 йилнинг 5 январь куни Ислом Каримов раҳбарлигида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида Наврўз байрамини кенг миқёсда нишонлаш ва 21 мартни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Мана, ўша воқеага ҳам 19 йил бўлибди.

Пойтахтимиз марказида ўтказиладиган тантаналарда ҳар йили Президентимиз иштирок этиб, халқимизни Наврўз умумхалқ байрами билан қутлайди. Бу йилги табрик мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзига хос эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мен табрикни дастлаб телевизор орқали эшитдим, сўнгра газетада диққат билан ўқиб чиқдим. Самимийликка йўғрилган ушбу қутлов бутун халқимизга ҳақиқий байрамона кайфият бағишлади. Наврўзнинг юртимиз учун, юртдошларимиз учун қандай аҳамиятга эга экани мазкур табрикка жо бўлгандек, гўё.

Шунингдек, бу йилги байрамнинг биз учун янада аҳамиятли томони шундаки, 2009 йил мамлакатимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Қишлоқ хўжалигининг асосини эса деҳқончилик ташкил қилади. Табрикда улар шаънига ҳам юксак эҳтиром бажо келтирилган. Шундай экан, бу эътибордан руҳланган фермерларимиз, бобо деҳқонларимиз ўзгача шижоат билан ишга киришсалар, не ажаб.

Наврўз арафасида ҳаво бироз булут бўлиб турди. Кўпчилик наҳотки байрам куни ҳам шундай бўлса, деган ўйда эди. 21 март тонгида ҳаво бирдан очилиб кетди, қуёш нурлари байрамга ўзгача тароват бағишлади. Бу Яратганнинг бизга кўрсатган иноятидан бўлса керак. Айни ўша лаҳзаларда Юртбошимизнинг **«Ўзбекистон Аллоҳ назари тушган юрт»** деган сўзлари яна бир марта ўз тасдиғини топгандек бўлди.

Ҳозирда бутун дунё бўйлаб молиявий инқироз ҳукм сурмоқда. Унинг таъсири ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмаяпти. Жаҳондаги кўплаб йирик корхоналар ёпилмоқда, миллионлаб иш ўринлари қисқартирилмоқда. Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистонда аҳвол бутунлай бошқача. Айни Наврўз байрами арафасида юртимизда кўплаб янги корхоналар ишга туширилди, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Бугина эмас. Жорий йилда ҳам мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиши, ойлик маошлар эса 2008 йилгидан кам бўлмайдиган даражада оширилиши, Президентимизнинг чиқишларида алоҳида таъкидланди: **«Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор».**

Давлат раҳбарининг ўз фуқароларига қарата собит ишонч билан айтган сўзлари ҳар биримизни тўлқинлантириб юборди. Демак, ортиқча хавотир ва ўринсиз шубҳаларга асос йўқ. Жонажон Ўзбекистонимизда, аҳолининг турмуш даражаси 2009 йилда ҳам ошса ошадики, мутлақо пасаймайди.

Темур АЪЗАМ,
ЎзМУ талабаси.

ҚИРҒИЗИСТОНДА 1-ҚАМБАРОТА ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Қирғизистон Республикаси бош вазири Игорь Чудинов шу йил 16 мартда V Бутунжаҳон сув форумида сўзга чиқиб, «Тўхтағул сув омбори тепасида жойлашадиган Қамбарота ГЭСлари қурилиши ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда бошланган, ўша вақтдаги барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилганлигини» баён қилди. Бу фикр анчайин жиддий бўлиб, масала моҳияти аниқлик киритишни талаб қилади.

Биринчидан, И.Чудинов шу маънода ҳақки, Қамбарота ГЭСи лойиҳаси КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори асосида бошланган, унда СССР гидроэнергетикасини 1981-1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга кўра СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 1984 йил 27 мартда чиқарилган буйруққа биноан, 1 ва 2-Қамбарота ГЭСларини лойиҳалаш ва қуришнинг асослантирувчи материаллари тасдиқланган эди, холос. Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг «барқ уриб ғуллаган» пайтида туғилган «коммунизмнинг буюк қурилишлари» туркумларига мансуб бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири: «Биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтиролмаймиз, балки уни бўйсундириш — бизнинг вазифамиз» деб аталар эди. Мазкур тамойил экология устидан, инсонлар устидан зўравонликка асосланганди.

Иккинчидан, экспертиза деб аталмиш масалага келсак, бундай қараш ҳақиқий воқеликка асло мос келмайди. У даврда экспертизанинг ўзи йўқ эди, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қарорларини ҳеч ким муҳокама қила олмасди. «Партия планлари — халқ планлари» деб аталган мафкуравий тушунча ҳар қандай экспертизадан устун турар ва ақл бовар қилмайдиган қарор ҳам ижро учун директив кўрсатма ҳисобланарди, «экология» тушунчаси эса шўро луғатларида ўзгача фикрловчи, борингки, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида бўлса ҳам, «совет ҳокимияти душманлари»ни изламоқ ифодаловчи сўз эди.

Қирғизистон Республикаси вакили ўз нутқида тилга олган даврда табиатдан фойдаланиш, сейсмология, ирригация ва бошқа турдош соҳалар мутахассислари «партиянинг бош йўли»га номенклатура бюрократияси қонунларига монанд хизмат қилишлари шарт эди. Шу маънода Совет Иттифоқи даврида гўё «барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилди» деб айтишнинг ўзи анчайин гўллик бўлур эди.

Мутахассисларга маълумки, бу лойиҳа ҳам, «Асрнинг кўламдор лойиҳалари» деб ном олган бошқа лойиҳалар ҳам ҳеч қачон экологик экспертизадан ўтказилмаган эди. Чамаси, Орол денгизининг қуриб қолишидек оламшумул ҳалокатга олиб келган Тўхтағул ва Нурек ҳам Марказий Осиё республикалари «манфаатлари»ни кўзлаб бунёд этилган эди. Қирғизистон «манфаатлари»ни кўзлаб эса улкан мамлакатнинг 15 дан бир қисмини ташкил этган шу ҳудуд радиоактив чиқиндилар ахлатхонасига айлантирилди. Ёки Қозоғистон «манфаатлари»ни дея Семипалатинск полигони вужудга келтирилиб, бу ҳудуд юз йилларга яшаш ва хўжалик фаолияти юритиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилмадими?

Совет давридаги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томонга буриб оқизишга доир шов-шувли лойиҳаларнинг қисмати нима бўлди?

Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан аён ва ҳар бир соғлом фикрли кишига тушунарлики, бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бундай лойиҳалар мустақил, холис экспертизадан ўтказилиши керак ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, ушбу лойиҳалар замонавий лойиҳалаштириш ва лойиҳавий қарорлар қабул қилиш даражаларига қанчалик мос келади;

иккинчидан, уларда турли офатлар, табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бериши мумкинлиги қанчалик тўлиқ ҳисобга олинган;

учинчидан, ушбу лойиҳалар улар амалга оширилганидан кейин усиз ҳам минтақада таранглашган экологик ва сув таъминоти мувозанатига қандай даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўйлайманки, 1-Қамбарота ГЭСидай улкан миқёсдаги иншоотни техник-иқтисодий асослашни тайёрлашга киришишдан олдин, муқаррар равишда БМТ шафелигидаги комиссия томонидан халқаро, бетараф, холис экспертиза ўтказилиши талаб қилинади. 1-Қамбарота ГЭСи сингари йирик гидроиншоотлар лойиҳаси тўғрисида гап кетар экан, унга тааллуқли барча масалаларга холисона баҳо бера оладиган мутлақо бетараф, обрў-эътиборли мутахассислар ана шундай комиссия таркибига жалб этилиши лозим бўлади.

Замондошларимиз ҳамда келгуси авлодлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу масалалардан жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини чалғитишга уринишлар зинҳор ўзини оқламайди.

С. ЖИГАРЕВ,
«Гидропроект» ОАЖ директори.

• **ХОРИЖДА ИШЛАШ ҚОНУНИЙ БЎЛСА**
ҳақ-ҳуқуқингиз кафолатланади

2-бет 3-бет

• **«ПОКЛИК ВА СОФЛИК — БУ ДАРДДАН САҚЛАЙДИ»**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори, академик Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбат

3-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• **ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ, НАВРЎЗ — УМУМИЙ БАЙРАМИМИЗ!**

Бу сўзларни пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ўтказилган Наврўз байрами тадбирида қатнашган миллий маданият марказларининг ҳар бир вакили фахрланиб такрорлади.

4-бет

ҚУЙИ БЎҒИННИ КУЧАЙТИРИШ

бугуннинг долзарб вазифаси

Бу ҳам партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, аҳоли орасида ҲДП обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда...

Муҳокамада сўзга чиққанлар БПТ фаолиятини ижобий баҳолаб, партиявий ишларни янада яхшилаш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Уларнинг якдил қўллаб-қувватлаши туфайли Шарофат Тожибоева бошланғич партия ташкилотининг раиси этиб қайта сайланди.

— Етакчимизнинг саъй-ҳаракати, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши натижасида бошланғич ташкилотимиз партиянинг жамиятдаги мавқеини кучайтириш, дастурий ғояларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — деди клиник лаборатория мудири Этерия

Пўлатова. — Унинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги натижасида партиямиз фаоллари аҳоли саломатлигини таъминлаш, ҲДП электорати вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор амалий ишлар олиб бормоқда. Шу сабабли унга бугун яна бир бор ишонч билдирдик. Шу билан бирга, жамиятнинг маънавий янгиланиш жараёнида бошланғич ташкилот сафидаги партиямиз аъзоларини янада фаоллаштириш, ёшларимизга мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш каби қатор вазифаларни белгиладик. Сиёсий ўқувларни мунтазам ўтказиб борсак, депутатлар билан учрашувлар ташкил этсак, қуйи бўғинимиз ҳақиқий катта кучга айлана олади. Бу эса бугуннинг энг долзарб вазифасидир.

(Давоми. Боши 1-бетда)



Шунингдек, йиғилишда туман партия ташкилоти конференциясига делегатлар, туман партия кенгаши аъзолигига бошланғич ташкилот вакилларини сайлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Гулрўх ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Чунки раҳбар идора, корхона, ташкилотда ёнғин хавфсизлиги бўйича стандартларни жорий этиши зарур. Агар тегишли давлат органлари, махсус бўлимлар томонидан ўз вақтида профилактика ишлари олиб борилмаган, кутилаётган хавфдан огоҳлантирилмаган бўлса бунинг учун албатта улар жавоб беради. Ёки шартномага асосан ёнғин хавфсизлиги идоралари тегишли корхонанинг ёнғин хавфсизлигига масъул бўлса демак масалага улар жавобгар.

Савол: — Лойиҳада ўт ўчирувчи кўнгиллилар тушунчаси ишлатилмоқда. Шунинг билан бирга, мансабдор шахсларга кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳини ташкил этиш мажбурияти юкланаяпти. Гуруҳ ўзи кўнгилли бўлса, нега уни ташкил этишни мажбурий этиб белгилаяпмиз? Умуман шундай гуруҳлар керакми, амалиётда фойдаси тегадими, номигагина мавжуд бўлиб қолмайдими?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жавоб: — Кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳи ўн беш нафардан кўп ходим ишлайдиган жамоаларда тузилади. Вақти-вақти билан улар ўқитиб турилади. Ойлик маошларига устамалар белгиланиши мумкин. Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хизматлари бир-бирига яқин жойлашган. Бирор хабар тушганида дарров воқеа жойига етиб бориш имкони бор. Аммо вилоятлар, чекка ҳудудларда масофа жуда узоқ. Шундай вақтда кўнгиллилар хизматидан фойдаланилади.

Таклиф: — Ҳамма ҳам кўнгилли бўлишга рози бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, бу тизимнинг самара бериши ҳам номаълум. Амалда шундай тажриба кузатилмаган. Шунинг учун ҳозир соҳанинг қонуний асослари мустаҳкамланаётган вақтда бу масалага ойдинлик киритиш, самаралироқ бошқа усуллардан фойдаланиш, мақбул тизим яратиш зарур. Балки бу соҳада нодавлат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керакдир...

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Тадбир

Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи муассасалар фаолияти, уларда олиб борилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ ОАВда эълон қилинаётган материаллар мазмундорлигини ошириш, шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Юристлар малакасини ошириш марказида журналистлар ҳамда адлия бошқармаларининг ахборот хизмати ходимлари учун махсус ўқув курси ташкил этилди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ОШСА

тайёрланаётган мақола ва кўрсатувлар савияси янада яхшиланади

Ўқув курсининг очилишида Адлия вазирлиги масъул ходимлари, журналистлар ва ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизмати ходимлари иштирок этди.

Ушбу курсларни ташкил қилишдан асосий мақсад — ОАВда ҳуқуқ мавзусини ёритиш сифатини оширишдан иборат. Албатта, материаллар сифати журналистларнинг ҳуқуқ борасидаги билимларига боғлиқ.

Хусусан, адлия тизими ҳақида ёзилган танқидий мақолаларнинг кўплари ҳақиқатга яқин эмас. Масалан, ўтган 2008 йилда тизим фаолияти билан боғлиқ марказий босма нашрларда ёритилган танқидий мақолаларнинг 40 фоизида кўрсатилган камчиликлар ўз тасдиғини топмаган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, ҳуқуқ мавзусида материаллар тайёрлаётган журналистларнинг ҳуқуқ соҳасидаги билимларини янада ошириш учун мазкур тадбирга эҳтиёж сезилди. 10 кун давом этадиган ушбу ўқув курсларида кучли экспертлар томонидан миллий қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан маърузалар тингланади.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходимларининг таъкидлашича, ушбу ўқув курслари ҳар йили ташкил этилиб, айрим ҳудудлар бўйича ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Ўқув курслари якунида тингловчилар синовдан ўтказилади ҳамда уларга Адлия вазирлигининг сертификатлари топширилади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: электорат манфаати

МЕҲР УЛАШИБ...

Самарқанд шаҳридаги 11-поликлиника 21 та маҳаллада истиқомат қилувчи 40 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. ЎзХДП шаҳар кенгаши ва ушбу тиббиёт муассасаси маъмурияти томонидан кам таъминланган, ёлғиз кексаларнинг 10 нафари оталиққа олинди. Эндиликда ҳар ойда шифокорлар партия фаоллари билан биргаликда улар ҳолидан хабар олиб, соғликларини доимий назорат қилиб боради. Моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашади.

— Мен иккинчи гуруҳ ногиронман, — дейди ал-Хоразмий кўчаси 123- уйда истиқомат қилувчи Фароғат Аҳадова. — Мана, 10 йилдирки ЎзХДП аъзосиман. Партиядошларим ёлғизлигимни билдиришмайди. Ҳамиша хабар олиб туришади. Қандли диабетга чалинганимдан сўнг узоқ вақт даволанишимга тўғри келди. Партия кенгаши томонидан ёрдам ташкил этилди. Поликлиника врачлари ҳафтада бир марта тиббий кўрикдан ўтказишади. Кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун улардан миннатдорман.

— Қариганда бировнинг ёрдами, ширин сўзига муҳтож бўлиб қоларкансан киши, — дея суҳбатга қўшилди Лилник Елена. — Умримнинг қарийб ярми Самарқандда ўтди. Шу ерда яшадим, оилали бўлдим, ишладим. Турмуш ўртоғим вафотидан сўнг ёлғизланиб қолдим. Партиянинг эътибори, ғамхўрлиги туфайли меҳр ва одамийлик туйғусини ҳис қилиб яшаяпман.

— Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларнинг имтиёзли даволанишлари учун ҳар ойда 10-12 та йўлланма ажратаяпмиз, — дейди поликлиника бош врачи Баҳрон Бекмуҳаммедов. — Бундан ташқари, меҳнат фахрийларининг 60 нафари қандли диабет касаллигига чалинган. Уларга тиббий хизмат кўрсатиш масаласи алоҳида эътиборимизда.

— Ҳудудда 353 нафар уруш ва меҳнат фахрийси бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд шаҳар кенгаши масъул ходими Фарид Гашимов. — Уларнинг ҳолидан доим хабар олиб турамиз. Бу борада шаҳар партия ташкилоти ташаббус кўрсатмоқда. Шунинг учун ижтимоий шериклар сифатида ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фаровон қишлоқларимиз

ХИТОЯН ЧИРОЙИ

Денов туманидаги Хитоян қишлоғи ўртасидан катта йўл ўтган. Ундан юрган кини ўзини шаҳарга тушиб қолгандек ҳис қилса ажабмас.

Кенг ва равон кўча. Унинг икки четига минглаб туп арча ва мевали дарахт кўчатлари экилган, бетон ариқлар қурилган.

Кўча бўйлаб жойлашган бино ва иншоотларни кўриб кўзингиз қувнайди. Дастлаб йирик спорт мажмуаси эътиборингизни тортади.

— Мажмуамизда футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, бокс, кураш каби кўплаб спорт тўгараклари ташкил этилган. Унда нафақат қишлоғимиз, балки қўшни маҳаллаларда яшовчи юзлаб болалар ҳам ўзлари севган спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда, — дейди «Барчинойлар» миллий кураш клуби мураббийси Файзулло Алиқулов. — Мен қизларимизга миллий кураш, шунингдек самбо, дзюдо сирларини ўргатаяпман. Клубимиз барчинойлари орасидан республика чемпионлари, халқаро турнир ғолиблари, мамлакат терма жамоаси аъзолари етишиб чиққан. Биз улар билан фахрланамиз.

Сал юргач, кўркам бир бинога дуч келамиз. Пештоқига «Лочин қишлоқ врачлик пункти» деб ёзиб қўйилган. Ушбу муассаса раҳбари Бахтиёр Холмўминов билан суҳбатлашдик:

— Масканимизда 3 нафар врач, 12 нафар ҳамшира ишлайди. 5 мингга яқин кишига хизмат кўрсатамиз. Кундузги даволаш бўлими ташкил этилган. Пунктимиз замонавий тиббий ускуналар билан тўла жиҳозланган. Электр энергияси, газ ва сув таъминотидан муаммо йўқ, — деди у мамнуният билан.

Ёнма-ён қад кўтарган икки қаватли иморатлар қишлоқ чиройига чирой қўшиб турибди. Уларнинг иккинчи қаватидаги хонадонлар кам таъминланган оилаларга берилган. Биринчи қаватида эса милиция таянч пункти, тикувчилик цехи, мини-банк, кутубхона жойлашган. Қишлоқда бир қанча кичик саноат корхоналари ҳам бунёд этилган. Нон ва нон маҳсулотлари, колбаса, томат, қатиқ, пишлоқ, макарон ишлаб чиқариш цехлари шулар жумласидан.

«Хитоян» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойсоат Қўзиева қишлоқдаги ўзгаришлар ҳақида фахр билан сўзлади:

— Шуниси қувонарлики, сиз кўрган қурилиш-ободонлаштириш ишлари асосан кейинги йилларда амалга оширилди. Қишлоғимиз табиий газ билан таъминланган. Турмуш шароитимиз шаҳардагидан қолишмайди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХОРИЖДА ИШЛАШ

ҳақ-ҳуқуқингиз

Мустақиллик шарофати билан фуқароларимиз хорижий давлатларга ўқишга, ишга, дам олишга ёки таниш-билишларини йўқлаш учун бемалол бориб келиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда кўплаб чет элларда дипломатик ваколатхоналаримизнинг фаолият кўрсатаётгани, минглаб ёшларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида таълим олаётгани, спортчиларимиз жаҳоннинг энг нуфузли мусобақаларида қатнашиб ғолиб бўлаётгани, фуқароларимизнинг дам олиш ёки сайёҳатга эмин-эркин бориб келаётгани, қанчаданқанча ватандошларимизнинг хорижий компанияларда ишлаётганини кўриб, Она Ватанимизга бўлган фахр туйғуси янада ошади. Аммо, кетаётган фуқароларимиз орасида таваккал қилиб, бир амаллаб чет давлатларга етиб олиб ишлашни, пул топишни ният қилганлар оз эмас. Хорижий давлатларга етиб бориб «Гастербайтер» номини олган бундай фуқароларни ҳамма ерда ҳам қучоқ очиб кутиб олишармикан?

Бугунги кунда, жаҳон миқёсида рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўпчилик мамлакатлар иқтисоди таназзулга учраб, аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб бормоқда. Ҳатто АҚШ, Германия, Япония, Франция, Буюк Британия каби қатор ривожланган мамлакатларда ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетмоқда, минглаб ишчи ва хизматчиларга нисбатан мажбурий меҳнат таътиллари бериш ёки умуман ишдан бўшатиш чоралари қўлланилмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ)нинг охирги таҳлилларига кўра, молиявий инқироз натижасида шу йилнинг охиригача жаҳонда 20 миллион кишининг ишсиз қолиши кутилмоқда.

Узоқ хориж у ёқда турсин, бизга яқин бўлган МДҲ мамлакатларида ҳам ушбу инқирознинг таъсири баъзи кўрсаткичларда яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда кўпчилик фуқароларимиз тезроқ ва кўпроқ пул топиш мақсадида ҳаётларини гаровга қўйиб бўлса-да Қозоғистон ёки Россия Федерациясининг турли минтақаларига кетишга ҳаракат қилишмоқда.

Шу билан бирга, Россия Федерациясининг ўзида амалдаги қурилиш ҳажми 15-20 фоизга қисқартирилгани, қурувчи-ишчиларнинг 70 фоизини эса чет эллардан, жумладан, Ўзбекистондан борган фуқаролар ташкил этганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ишчи мигрантлари орасида ташвишли ҳолатларни келтириб чиқариши, қолаверса, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлаётганини кутазишимиз мумкин.

Масалан, Россия Федерациясига бориб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ва ишлаш учун махсус рухсатнома олмаган шахс бу давлатда амалда бўлган Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 18.8 бандига асосан мамлакатдан чиқариб юборилади ёки унга 5 минг рубль миқдорида жарима солинади.

Сўнгги вақтларда ноқонуний йўллар билан Россия Федерацияси ҳудудида ишлаш учун бориб, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган, арзимаган иш ҳақига ишлаб, «одам савдоси» корчалонларининг тузоғига илинган фуқароларимиз тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўплаб мақола ва хабарлар бериб борилмоқда.

Аччиқ бўлса-да айрим мисолларни келтирмоқчимиз. Фарғоналик, 1985 йилда туғилган Анвар ҳам кўп пул топиш илинжида Россияга кетишни режа қилди. Яхши иш ваъда қилган товламачи билан йўлга отланди. Афсуски, ёлғон ваъдаларни берган «ишбилармон» унинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, кир ювиш воситалари ишлаб чиқарувчи ноқонуний яширин цехга қамаб қўйди. Ҳеч қандай шароити бўлмаган, санитария-гигиена қоидалари талабларига жавоб бермайдиган совуқ ертўлада Анвар ярим йил давомида қуёш нурини кўрмай, тунни кунга улаб, қул сифатида меҳнат қилди. Шундан сўнг бир амаллаб бу яширин цехдан қочишга муваффақ бўлди ва Екатеринбург вилоятининг Берёзовск қишлоғига йўл олди. У ерда маҳаллий деҳқон томорқасида ишлай бошлади. Бироқ олдинги ҳолатлар қайтарилавергач, таҳқирлашлар, очлик ва турли қийинчиликлардан чарчаган Анвар қишлоқдан қочишга уринади. Орадан бир ҳафталар ўтгач, қишлоқ атрофидаги ўрмонларнинг бирида Анварнинг жасади топилган. Россиянинг бепоён ҳудудларида шундай қийин шароитларга тушиб қолиб, ватанига қайта олмай, сарсон-саргардонликда юрган юртдошларимиз кам дейсизми?

«ФАРҲОД» ЙИЛ ҒОЛИБИ

НАВОИЙ. Бу ердаги тоғ металлургия комбинатининг «Фарҳод» маданият саройи ўтган 2008 йил якунларига кўра «Энг фаол маданият саройи» деб топилди. У Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи ҳамда эсдалик совғасига сазовор бўлди.

Дарвоқе, навоийлик маданият ва маърифат намояндалари саройни вилоятда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданияти қамровида замон билан ҳамоҳанг тарзда тайёрлашди. Бугун сарой ҳузурида рус, украин, белорус, татар, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ миллатларига мансуб байналмилал чолғу ансамбллари ҳамда оркестр дирижёрлик дасталари ташкил этилган. Улар наинки республика, балки жаҳон даражасида ҳам танилиб халқаро совринларни қўлга киритмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

❖ 24 март — Жаҳон сил касалликларига қарши курашиш куни

«ПОКЛИК ВА СОФЛИК – БУ ДАРДДАН САҚЛАЙДИ»

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори, академик Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Саломатлик — ҳар қандай жамиятда тараққиётнинг бош омили. Зеро, Ер юзида йилдан йилга бу дардга чалиниш кўрсаткичи ўсиб бораётганини ҳисобга олган Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 1993 йилда сил касалликлари инсоният ҳаётига глобал таҳдид солаётганини эълон қилди ва унга қарши кураш чора-тадбирларини кўриш зарурлигини таъкидлади.

Мутахассис сифатида силдан сақланишда нимага кўпроқ эътибор бериш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Сил ўта юқумли касаллик, аммо у кўп суяк сурмайди, наслдан-наслга ўтиш кўрсаткичлари ҳам паст. Аммо сил тез юқиши билан аҳоли соғлигига таҳдид солади.

Тиб илмининг отаси Абу Али ибн Сино бундан минг йил бурун сил юқумли касаллик, бемордан соғлом одамга юқади, шунингдек, у «қашшоқлик касали», ночор танга тез юқади, деган эди. Дунё аҳолиси саломатлигига бугунга келиб эса «миграцион сил» хавф туғдиряпти. Яъни одамлар турли сабаблар билан, иш қидириб бошқа мамлакатларга миграцияланяпти. «Қашшоқлик касали» дейилишининг боиси, тўйиб овқатланмаслик оқибатида инсон организмида иммунитет пасайиб, касаллик вирусига қарши кураш даражаси сусаяди.

— Абдулла Муҳаррамович, республикамиз аҳолисини сил касаллигидан муҳофазалашнинг қандай ҳуқуқий асослари яратилган?

— Аҳолини ижтимоий кўринишга эга касалликлардан муҳофазалашда унинг ҳуқуқий асослари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда 2001 йилнинг 11 майида «Аҳолини сил касаллигидан муҳофазалаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унда аҳоли орасида сил касалликлари тарқалишининг олдини олиш профилактик чора-тадбирлари тизими, силга қарши тиббий ёрдамнинг бепуллиги, чақалоқларни эмлаш ва болаларни қайта эмлаш кўзда тутилган. Бемор эса силга қарши тиббий ёрдамнинг барча турларидан бепул фойдаланиш, ихтисослаштирилган санаторияларда даволаниш, ижтимоий-маиший ёрдам, ишга жойлашиш, ўқиш ва малака ошириш борасида ёрдам сўраш ҳуқуқига эга.

Республикамизда сил касалликларига қарши тиббий муассасалар тизими мавжуд. 2004 йилдан ДОТС стратегияси жорий этилиши муносабати билан сил касалликлари шифохоналари замонавий тиббий ускуналар (микроскоп, рентген аппарати ва ташкилий техника) билан таъминланди.

Институтимиз қошида Республика ДОТС маркази, сил касалликларини назорат ва профилактика қилиш ўқув маркази, референс — лаборатория фаолият кўрсатади. Яқинда марказга 14 та рентген-флюография ускунаси (ташкилий техникали) келтирилди.

— Домла, одатда сил деганда биз, кўпроқ ўпка силини тушунамиз. Айтинг-чи, силнинг яна қандай турлари бор?

— Сил одамнинг ҳамма организмида — соч толасидан то оёқдаги тирноққача бўлиши мумкин. Агар уни 100 фоиз деб олсак, 80-85 фоиз ҳолларда сил ўпкада жойлашган бўлади. Негаки, сил тақёчаси асосан нафас органлари орқали юқади, яъни ўпкага тушади. Бундан ташқари 15-20 фоиз ҳолларда — ўпкадан ташқари сил ҳисобланади. Мия, кўз, бурун, ошқозон-ичак, лаб, қулоқ, умуртқа поғонаси, жинсий аъзолар, буйрак, жигар, томоқ, буғим суяклар силга йўлиқиши кузатилган.

Силни баъзилар тумов, шамоллашдан фарқлай олмайди. Ота-оналар, терапевт шифокор, умуман, ҳар бир инсон шуни доим ёдда сақлаши керак. Агар кимдир бир-икки ҳафта йўталиб юрса, терапевт шифокор белгилаган муолажадан кейин, уч ҳафта — 21 кунда ҳам йўтал босилмаса, зудлик билан мутахассис шифокорга учраши, флюография текширувидан ўтиши керак. Чунки бундай беморда сурункали ўпка касалликлари мавжуд бўлиши мумкин.

Сил бедаво дард эмас, уни дастлабки босқичда даволаш, беморни дарддан бутунлай фориғ этиш амалиётда кўрилган. Бунинг учун касални эрта аниқлаш ва тўғри ташхислаш асосий омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан аҳолини сил хасталигидан ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, у давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳукуматимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб борилаётган муайян чора-тадбирлар ўз самарасини беряпти. Сўнгги олти йил ичида аҳолининг хасталикка чалиниш ҳоллари сезилари даражада пасайди, стабиллашди.

— Уй шароитида ўзимиз, оиламиз, яқинларимизни касалликдан қандай ҳимоялашимиз мумкин?

— Биз азалдан покдомон, ораста, покиза турмуш тарзига эга, иймон эътиқоди буд халқмиз. Аждодларимиз шахсий гигиенага ниҳоятда эътиборли бўлган, маҳалла, кўча, ариқ, ҳовуз, хонадонининг остонасидан бошлаб озодаликни сақлаган.

Мутахассис сифатида силдан сақланишнинг жуда жўн йўлини айтмоқчиман. Ҳар бир инсон, катта-ю кичик, аввало, шахсий гигиенага риоя этиши, тартибли, меъёрида овқатланиши, жисмоний ҳаракат қилиши, режим асосида ишлаши, ўқиши, дам олиши ва албатта, вақтида ухлаши зарур. Инсоннинг иммун ҳолати ижобий бўлса силга чалинмайди.

Маълумки, тупроққа тушган сил таёқчаси 1000 йилгача «яшайди», юқади. Бир мисол, Мисрдаги эҳромлардан бирига дафн қилинган фиръавннинг қабрини очиб илмий тадқиқот олиб борган олим, орадан бироз вақт ўтиб, сил билан оғриган. Илмий тиббий таҳлиллар жасаднинг суяк қолдиқларида сил таёқчаси борлигини исботлаган. Яна бир томони, сил таёқчаси 10-20 йиллаб тупроқ остида ётиб, одам организмига тушгач, «шароит туғилди» дегунча юзага чиқади.

Сил таёқчасини оддийгина йўл билан «енгиш» мумкин, Миллий меъморчилигимизни ёдга олайлик, азалдан халқимиз иморат, том солганда дераза ва эшикларини қуёшга қаратишган.

Бинобарин, хасталикдан табиий равишда ҳимояланиш учун ҳар куни хоналардаги дераза, эшикларни ланг очиб, қуёш тафтида 15-20 дақиқа «нурланиш» ўтказиш, шамоллатиш зарур.

Зеро, сил касаллигидан ҳоли, соғлом, узоқ умр кўриш, осойишта турмуш кечириш учун оилада миллий тарбия, урф-одат, анъаналаримизга асосланган покдомонлик, никоҳга содиқлик, орасталик, ўзаро оқибатлилик каби чин инсоний қадриятларимизни янада мустаҳкамлашимиз керак.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Наманган шаҳрининг «Гўзал» мавзесида юқумли касалликлар шифохонаси биносини таъмирлаш ишлари Наманган шаҳридаги 3-таъмир-қурилиш шўъба корхонасига топширилганди. Наврўз шодиёнаси кунларида саломатлик маскани янги қиёфага эга бўлди.

744 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган 160 ўринли вилоят силга қарши кураш диспансерининг биринчи навбати иш бошлади. Замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган ўпка сили, гинекология, урология бўлимларидаги шароитлар шифокорларга ҳам, беморларга ҳам бирдай манзур бўлмоқда. Тез орада янги шифо масканининг 40 ўринли иккинчи навбати ҳам ишга тушириладди. Бунинг учун давлат бюджетидан яна 422 миллион сўм маблағ сарфланади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚОНУНИЙ БЎЛСА *кафолатланади*

Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи эллик беш ёшни қаршилаган Ёқубжон ака ҳам кўпроқ пул топиш мақсадида Россия Федерациясига бориб ишлаб келишга аҳд қилади, таниш-билишлари орқали қандайдир «Меҳнат Сервис» номли фирмага учрашади. Қармоғига янги ўлжа илинганини фаҳмлаган фирма раҳбари Ёқубжон акани илиқ кутиб олиб: «Сиз ака, тараддудингизни кўраверинг, тез кунларда Москва шаҳрида «автокара» ҳайдовчиси сифатида ишга жойлаб қўямиз, келганингиздан кейин битта ўтириш сиздан» — деб баландпарвоз ваъдалар беради. Ниҳоят кетадиган кун келиб, Ёқубжон ака унга ўхшаган тўққиз нафар фуқаро ноқонуний йўллар билан Россия Федерациясига етиб оладилар. Уларнинг фуқаролик паспортлари олиниб, ўзлари Москва шаҳрининг четидаги қурилиш участкасида дўқ-пўписалар остида ишлатилади. Бахтли тасодиф туфайлигина бу юртдошимиз Украина орқали ўз ватанига қайтиб келди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдамида товламачи фирма директори қонуний жазосини олди.

Кези келганда, чет давлатларга, шу жумладан, Россияга бориб меҳнат қилишни истаган фуқароларимизга қуйидагиларни эслатиб ўтмоқчимиз:

Энг аввало, фуқаролар юртимизнинг ўзида бу соҳада мавжуд бўлган қонун-қоидалар талабларини билишлари ва уларга амал қилишлари лозим. Мамлакатимиз фуқаролари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Тошкент, Бухоро, Қарши, Фарғона ва Нукус шаҳарларида жойлашган, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида ҳамда мазкур вазирлик томонидан белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна ушбу қарорда фуқаролар хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка асосан, юқорида айтиб ўтилган ташкилотлардан бошқа ҳеч қандай жисмоний ва юридик шахслар, республикамиз фуқароларини чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга юбориш ҳуқуқига эга эмас.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва минтақавий бюролар томонидан фуқаролар чет давлатларга ташкиллаштирилган тартибда, уларнинг хоҳиш-истакларини, касбини, соғлиғини эътиборга олган ҳолда, иш берувчилар билан олдиндан тузилган шартномалар асосида юборилиб, улар иш жойларида Ўзбекистоннинг консуллик органлари томонидан ҳисобга олиниши, қолаверса, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя этилиши таъминланади. Иш берувчилар билан тузилган шартномаларда уларнинг меҳнат мигрантларига берадиган иш ҳақлари миқдори, ишлаш ва яшаш шароитларини яратиб бериш, касал бўлиб қолган тақдирда даволанишлари учун ёрдам бериш, ҳаётларини суғурталаш, иссиқ овқат ва иш кийимлари билан таъминлаш ва йўл (Ўзбекистондаги яшаш жойидан чет элдаги, масалан, Россиядаги иш жойигача етиб бориш), шунингдек, фуқарони қайд қилиш ва легаллаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни (ўртача 5 минг Россия рубли атрофида) тўлаш ёки тўламаслик масалалари олдиндан келишиб олинади. Бу эса иш берувчиларнинг ҳам, ишга борувчиларнинг ҳам масъулиятини оширади.

Шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, ўзбошимчалик билан чет давлатларга, хусусан Россияга ишга кетишдан олдин, фуқаро иш берувчи тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлиши лозим.

Иш берувчи корхона ёки ташкилот ҳар бир хорижий ишчи билан алоҳида шартнома тузиши, ушбу шартномада ишчининг ҳуқуқ-мажбуриятлари, оладиган иш ҳақлари ва қўшимча тўловлар миқдори, иш соатлари ва вақти, корхонанинг мажбуриятлари, ишлаш ва яшаш шароитларини яратиб бериш, касал бўлиб қолган тақдирда даволанишлари учун ёрдам бериш, мигрант ҳаётини суғурталаш, иссиқ овқат ва иш кийимлари билан таъминлаш каби барча масалалар кўрсатилиши шарт.

Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган чет эл фуқароларига Россия Федерацияси фуқаролари учун меҳнат Кодексида белгиланган барча ҳуқуқ ва кафолатлар ҳам тааллуқли бўлиб, уларни Россия қонунлари ҳам ўз ҳимоясига олади.

Ҳар бир фуқаро ўзининг қаерда яшаши ва ишлашини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Аммо республикамизнинг чет элларда ишлаш учун отланаётган фуқароларига дунёнинг энг олис бурчакларида ҳам улар ҳаётининг кафолатланиши, аввало, уларнинг ўзларига, қўяётган қадам тўғри босилганига, бу соҳада белгиланган қонун талабларига итоат этишларига боғлиқ эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Ана шундагина уларнинг ҳаётлари хавф-хатарсиз, оилалари эса тинч ва осойишта бўлади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Ахборот хизмати. t



ИККИНЧИ БОСҚИЧДА
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНАДИ

Македонияда якшанба куни бўлиб ўтган президентлик сайловида номзодлардан биронтаси ҳам сайловчилар овозининг ярмидан кўпроғини ололмаган. Шу боис сайловнинг иккинчи босқичи 5 апрелга белгиланди. «Agence France-Presse»нинг хабар беришича, сайлов бюллетенларининг дастлабки ҳисоб-китобига кўра ҳукмрон ўнг марказчи блок номзоди Георгий Иванов салкам 39 фоиз овоз олган. Иккинчи босқичда унга кимнинг рақиб бўлиши ҳозирча аниқлангани йўқ. Сайлов комиссиясининг бошлиғи Александр Новаковский сайловнинг бирон-бир қонунбузилишларсиз ўтганлигини таъкидлаган.

ҚЎНИШ ЧОҒИДА
ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Токионинг «Нарита» халқаро аэропортида Американинг «FedEx» транспорт компаниясига тегишли самолёт авиаҳалокатга учраган. «Japan Today» нашрининг қайд этишича, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридан учиб келган юк самолёти қўниш чоғида қулаб тушган. Қурбонлар ва ҳалокат оқибатлари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

ОДАТДАГИ ЛАМПОЧКА
САВДОСИ ЭНДИ ТАҚИҚЛАНАДИ

Еврокомиссия Европа Иттифоқига аъзо давлатларда одатдаги лампочка — чўғланма лампани босқичма-босқич савдодан олиш ва ўрнига электр энергиясини 75 фоизга иқтисод қиладиган янги турдаги ёритгичларни амалга жорий этиш режасини маъқуллади.

Ушбу режага кўра, жорий йил сентябрда 100 ваттли лампочкалар савдодан бутунлай олинади, 2010 йилдан эса 75 ваттлиги сотилмайди. 2012 йилдан Европанинг бирорта дўконида одатдаги лампочка қолмаслиги лозим.

Бундай тақиқлов дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам амалга жорий этилган. Масалан, Янги Зеландияда жорий йилнинг октябригача одатдаги лампочкадан фойдаланиш мумкин, октябрдан кейин эса дўконларда унинг савдоси бутунлай тақиқланади. АҚШда эса 2007 йил охирида бундай тақиқлов ҳужжатига имзо чекилган. Унга кўра, 2014 йилдан эътиборан Америкада ҳам чўғланма лампочкалардан тўлиқ воз кечилади. Ўрнига электр энергиясини тежайдиган ёритгичлар жорий этилади.



ЎЗ ЛАВОЗИМИГА ТИКЛАНДИ

Покистон Олий суди бошлиғи Ифтихор Муҳаммад Чаудри 22 мартдан эътиборан ўз лавозимига расман тикланган, деб хабар беради AFP. Маълумки, Чаудри 2007 йилда президент Парвез Мушаррафнинг лавозимда туришининг қонунийлигини шубҳа остига қўювчи терговни бошлашга уринганида ўз мансабидан четлатилганди. Унинг истеъфоси бутун мамлакат бўйлаб норозиликларни келтириб

чиқариб, пировард натижада эса Мушаррафнинг президент лавозимидан кетишга мажбур этганди. Шундан сўнг бўлиб ўтган президент сайловида эса Чаудрини ўз лавозимига тиклашни ваъда қилган Асиф Али Зардорий ғолиб чиқди. Бироқ, орадан ярим йил ўтса ҳамки у ўз ваъдасининг устидан чиқмади. Мамлакатда оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг талаблари орасида Чаудрини Олий суд раиси лавозимига қайтариш ҳам бор эди. Уларнинг фикрича, Чаудрининг ишга тикланиши Покистонни ҳуқуқий давлатга айлантириш йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

ДЕНГИЗ ПОРТЛАРИ ВА АЭРОПОРТЛАР
ҲАРБИЙЛАР НАЗОРАТИГА ЎТДИ

Венесуэла президенти Уго Чавесга нисбатан мухолиф губернаторлар бошқарувидаги штатларнинг денгиз портлари ва аэропортлари армия томонидан тўла назоратга олинган.

Бир неча кун муқаддам Чавес мазкур штатлар маъмурларини гиёҳванд моддаларни олиб ўтишда портлар ва аэропортлардан фойдаланишда айблаган эди. Барча йирик транспорт боғланмаларининг федерал маъмурлар назорати остига ўтишига изн берувчи қонун лойиҳаси 16 март куни маъқулланган. Чавес ҳукуматига нисбатан мухолиф штатлар маъмурлари фикрига кўра, бундай қадам штатлар бюджетига тушумларнинг кескин камайишига олиб келади. Муқаддам маҳаллий маъмурлар мустақил тарзда транспорт боғланмаларидан фойдаланганлик учун бож йиғишлари ва пуллик йўллардан ўтганлик учун тарифларни белгилашлари мумкин эди.

ЭНЕРГЕТИКА ИНҚИРОЗИ
ИЗЛАНИШГА МАЖБУР ЭТДИ

Мексика ўнлаб йиллардан бери нефть захираларини излаш ва қазиб олишга кўплаб маблағ сарфламоқда. Аммо ўтган йили нефть қазиб олиш даражаси 9,2 фоизга қисқариб кетди. Бу эса энергетика инқирозини кучайтириб юборди. Шунинг учун Мексика маъмурияти энергетика соҳасида янги ресурсларни ишга туширишмақсадида хорижий компанияларга, аниқроғи, Испания ишбилармонларига мурожаат этди.

Испаниянинг «Acciona Energia» энергетика компанияси вакиллари эса ушбу мурожаатга жавобан энергия ишлаб чиқарувчи шамол тегирмонлари ўрнатиш бўйича келишувга эришди.

«USA Today» газетаси хабарида айтилишича, шамол тегирмонлари лойиҳаси Мексика кўрфази билан Тинч океани ўртасида амалга жорий этилади. Негаки, бу жойда доим соатига 15 милдан 22 мил тезликкача шамол эсиб туради.

6180 акр майдонда 167 та шамол турбинаси ўрнатилади. Бу эса 250 мегаватт электр энергия ишлаб чиқариш имконини беради. Ушбу лойиҳа 550 миллион долларга тушмоқда.

ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ
ТАРТИБИ ҚАТЪИЙЛАШТИРИЛАДИ

Финляндия ҳукумати қисқа «ствол»лик қурол олиб юришга лицензия бериш тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиб, қонун талабларини янада қатъийлаштирмоқчи.

«AFP» АА хабар беришича, эндиликда аввалгидек 18 ёшга тўлган шахс эмас, балки 20 ёшлилар қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар бевосита мерганлик клубларига аъзо бўлишлари шарт. Бундай клубга аъзо бўлмаганларга лицензия берилмайди. Лицензия муддати 5 йил.

Ота-онасининг рухсати билан 15 ёшли ўспирин ов милтиғига эга бўлиш ҳуқуқи эса ўзгаришсиз қолдирилади.



Таъкидлаш лозимки, қонунга киритилган ўзгартишлар ёз бошлангунча парламент муҳокамасидан ўтади.

Бу сўзларни пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ўтказилган Наврўз байрами тадбирида қатнашган миллий маданият марказларининг ҳар бир вакили фахрланиб такрорлади.

Ҳар гўшада, ҳар дилда байрам

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ, НАВРЎЗ – УМУМИЙ БАЙРАМИМИЗ!

Боғда турли миллатга мансуб қуй-қўшиқлар янграмоқда. Катта саҳнада асосий тадбир бошланганда, кичик саҳналарда ҳам миллий маданият марказлари вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этишаётганди.

— Кейинги йилларда миллий маданият марказлари билан биргаликда Наврўз байрамини шу боғда нишонлаяпмиз, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Бу тадбиримиз барчага манзур бўлгани учун анъанага айланди. Мана, бу йилги сайлимизда 38 та миллий маданият маркази миллий кўргазмалари, таомлари, куй-қўшиқ ва рақслари билан қатнашяпти.

Катта саҳнада польякча қўшиқлардан кейин озар халқ рақси бошланди. Уларга туркман қардошларимиз куй-қўшиқлари уланди. Биз тадбир ташкилотчилари орасида таниқли боксчи ва мураббий Владимир Шинни учратдик. У боксчилик фаолиятида республикамиздан биринчи бўлиб жаҳон кубоги мусобақасида ғолиб чиққан. Кейин мураббийлик қилиб, кўплаб машҳур боксчиларни тарбиялаб вояга етказган. Ҳозирги кунда у Корейс миллий маданият марказлари ассоциациясини бошқараяпти.

— Барчамиз байрам шукуҳи билан яшаяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда у. — Аслида, Наврўз корейс халқига жуда яқин байрам. Чунки бизнинг Чусак деган байрамимиз бор. Унда ҳам ўтганлар руҳи шод этилади, қариялар ҳузурига йўқлаб борилади, ҳожатмандларга саховат қилинади, кейин ўйин-кулги билан нишонланади ва деҳқончилик ишлари бошланади. Шу боис биз Наврўзни ўз байрамимиздай кутамиз ва шу боғда тантанали нишонланиши учун ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз.

— Булар бизнинг миллий таомларимиз, — дейди Украин миллий маданият маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Валентина Такаева. — Янги йилни нишонлашимиз билан Наврўз тантаналарига тайёргарлик кўра бошладик. Миллий либослар тикдик, байрам арафасида миллий тансиқ таомларимизни пиширдик. Қани олинглар, меҳмонимиз бўлинглар.

Бундай лутфларни барча миллий маданият марказлари вакилларидан эшитдик. Чор атрофдан эса дилрабо куй-қўшиқлар таралди. Барчани бирдамликка ундаган Наврўз шукуҳи кўнгилларга кўчди, энди бу кўтаринки кайфият, эзгу туйғу ҳар биримизни умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонимизни янада фаровон этиш йўлида кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат бағишлайди.

Асрор МЎМИН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Бобур номли маданият ва истироҳат боғидаги Наврўз тантаналаридан лавҳалар.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Маънавият

КОМИЛЛИК КАЛИТИ

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз илму фан ва маданиятга интилиб яшаган. Бунда, шубҳасиз, нодир китоблар ва кутубхоналарнинг ўрни беқиёс бўлган. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий ҳомийлигида хаттотлик, миниатюра санъати ривожланган, қироатхоналар барпо этилган. XX аср бошларида эса маърифатпарварлар саъй-ҳаракати билан янги услубдаги мактаблар очилиши, дарсликлар ёзилиши, театр санъатининг тараққий этиши, кутубхоналар барпо этилиши тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган. Ҳатто айрим ҳукмдорлар бебаҳо китоблар жамлаш учун мулозимларини қўшни давлатларга юбориб, сарой кутубхонасини нодир қўлёзмалар билан бойитган.

Маънавий етуклик авваламбор китоб ўқишдан бошланади. Китобдан олинадиган маънавий бойликнинг, шавқ-завқнинг чегараси йўқ. Чинакам санъат асари одамни ҳаяжонга солади, фикрлашга ундайди. Юрақдаги эзгу ҳислар, она алласи, эртаклар ва болаликда ўқилган китоблар таъсирида камол топади.

Истиқлол йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун қатор имкониятлар яратилди. Ҳозир ҳар бир мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Шундай экан, бу марказлар ва кутубхоналар аҳволи қай даражада? Бу борада яна нималарга эътибор қилиш керак? Шуни билиш ниятида биз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюрдик.

— Мамлакатимизда ҳозир 12 мингдан ортиқ кутубхона мавжуд, — дейди **Миллий кутубхонанинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ирина Маминова.** — Шунинг қарийб 9500 таси мактаб кутубхонаси. Биз уларни доимий равишда янги ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаймиз.



Миллий кутубхона фондида 6 миллион 473 минг 885 дона китоб бўлиб, унинг 30 мингдан ортиқ доимий аъзоси бор. Китобхонлар учун барча шарт-шароит яратилган. Маърифат масканига келувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина ўтган йили 500 минг китобхон ташриф буюрган. Таниқли шоиру ёзувчилар иштирокида 300 га яқин анжуман, конференция ва тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, 2 миллиондан ортиқ китоб кутубхонада фойдаланиш учун ўқувчиларга берилди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Кутубхонада 100 дан ортиқ компьютер бўлиб, улар китобхонларга хизмат кўрсатади. 20 мингга яқин қўлланманинг электрон версиялари яратилди. Ходимларимиз кутубхонага аъзо бўлган ҳар бир кишига бу ердаги китоблардан фойдаланиш тартибини тушунтириб боришади.

Бешта компьютеримиз Россия Давлат кутубхонасининг виртуал диссертация фондига уланган. Улар махсус пароль орқали тўғридан-тўғри фондга чиқади. Шу тариқа зарур бўлган ҳар қандай маълумотни оламиз.

Илгари ўқувчи ёки китобхон бирон-бир маълумот олиш учун соатлаб ўтирар эди. Маълумотни топгач, ундан нусха олиш яна муаммо бўлган. Бундай шаклда ишлаш кўп қийинчилик туғдирган. Шу боис, айрим одамлар китоб ёки газета-журналнинг керакли жойини қирқиб олган, унга зиён етказган. Ҳозир кутубхона иши шундай ташкил этилганки, бошдан-оёқ ўқувчига хизмат қилади. Яқинда 130 миллион сўмга энг сўнгги русумдаги сканер олинди. Унинг қулайлиги шундаки, А2 ва ундан катта ҳажмдаги газета ёки китобдан керакли маълумотни сканер қилиб, дискетга, флешкага кўчириб беради. Мазкур ускуна бир соат ичида 300 бетлик китобдан нусха олиш имконига эга.

Бундан ташқари, Миллий кутубхона хориждаги нуфузли кутубхоналар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган, улар билан тажриба алмашиб келади. Жумладан, Россия, Польша, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Озарбойжон, Миср ва Латвия сингари давлатларнинг миллий кутубхоналари бизнинг ишончли ҳамкорларимиздир.

●●●

Кўриниб турибдики, Миллий кутубхонада катта имкониятлар яратилган. Бу эса ёш авлод жаҳон илм-фани, адабиёти ва санъати дурдоналаридан баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Маърифатга интилиб яшаган инсон, табиийки, комилликка эришади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 249
17081 nusxada bosildi
г — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.00
Sotuvda erkin narxda

Шоҳмот

ПЕШҚАДАМ ЎША-ЎША

Тошкентда Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган 3-халқаро мусобақада пешқадамлар ўз мавқеини мустаҳкамлашаяпти. Унда россиялик Виталий Цешковский 6-турда ҳамюрти Сергей Волковни мағлубиятга учратиб 5,5 очко билан ҳамон карвонбошилик қилмоқда. Бу турда тошкентлик гроссмейстер Антон Филиппов исроиллик Виталий Голоддан устун келиб, очкосини 5 тага етказган ҳолда Юрий Кузубов (Украина) ва Вадим Малахетко (Беларусь) билан мусобақа жадвалининг 2-4-поғоналаридан жой эгаллади. Олти турдан кейин 8 қатнашчи 4,5 очко тўплади. Улар орасида ҳамюртларимиздан Марат Жумаев, Сайдали Йўлдошев, Жўрабек Ҳамроқулов ва Иброҳим Каримов ҳам бор. Рустам Қосимжонов эса қора доналар билан россиялик гроссмейстер Александр Потапов билан дуранг ўйнади ва 4 очко жамғарган ҳолда ҳозирча 13-ўринни эгаллаб турибди.

Эслатиб ўтамиз, швейцарча тартибда ўтаётган бу мусобақа 9 тур ўйинларидан иборат.

Профессионал бокс

ЖАНГ БЎЛАДИ...

Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган бокс кечасида Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) таснифи бўйича жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко ўз унвонини ҳимоя қилиш учун кубалик Хуан Карлос Гомесга қарши рингга кўтарилди. Кескин ўтган жангда Кличко рақибини 9-раундда нокаутга учратди. Энди Кличко навбатдаги чемпионлик жангида россиялик Олег Маскаев билан учрашиши керак. Лекин унинг ўзи россиялик Николай Валуевга қарши рингга кўтарилишни хоҳлаяпти. Лекин шу нарса аниқ: қизиқарли ўтиши кутилаётган чемпионлик жангги бўлади. Унда Кличко ё Маскаевга, ёки Валуевга қарши жанг қилади.

(Ўз мухбиримиз)

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

касса, ҳисоблаш ҳамда периферия техникасини таъмирлаш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар етказиб бериш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар юридик шахслардан (Банк белгилаган шаклда), улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси илова қилинган ҳолда қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан кейин 7 календарь куни мобайнида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 20 кун ўттач, Тошкент вақти билан соат 17.00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101.

«Ўзмиллийбанк»
Бош маъмурий биноси.
Телефон: 234-42-93,
Интернет-сайт:
www.nbu.com

Мулоқотда бўлувчи шахслар:
Вячеслав Михайлович Суханов,
Равшан Ҳамидович Раҳимов.

(Газетанинг навбатдаги сони 28 март, шанба куни чиқади).